



**ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И  
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-  
ПРАВОВЫХ АКТОВ**

**Проект**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI QARORI**

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги**

**фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

**VQL-3997/22-2**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг**

**қарори**

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги  
Фуқаро авиацияси агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди**:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Фаолияти парвозлар хавфсизлиги таъминланишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги раҳбарлари ва ходимларининг меҳнатига такомиллаштирилган тариф сеткаси бўйича ҳақ тўлаш разрядлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига 2 та навбатчи автотранспорт воситасини сақлаш (фойдаланиш) учун лимит ажратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклатилсин.


**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. Арипов**

Вазирлар Махкамасининг  
20\_\_ йил \_\_даги \_\_-сон карорига  
1-илюва

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фукаро авиацияси агентлигининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Бошкарув ходимларининг умумий чекланган сони — 51 нафар.

\*Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонунчиликда белgilangan normalarga muvofiq aniqlanadi.

Вазирлар Маҳкамасининг

20\_\_ йил \_\_\_\_даги \_\_\_\_-сон қарорига

2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги  
Фуқаро авиацияси агентлиги тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисбот бериш тартибини, шунингдек, Агентлик раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Агентлик фуқаро авиацияси ва экспериментал авиацияда ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини, шунингдек, ноконуний аралашиш ҳаракатларидан ҳимоя қилишни тъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси авиация маъмурияти функциясини амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига (кейинги ўринларда Транспорт вазирлиги деб аталади) бўйсунади ва ҳисбот беради.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси деб аталади), Транспорт вазирлиги қарорлари, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик хужжатларига амал қиласди.

5. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига шахсий ғазна ҳисобваражларига, банк ҳисобрақамларига, шу жумладан чет эл валютасидаги ҳисобрақамларига эга. Агентлик ўз эмблемасига эга.

7. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги;

қисқартирилгани – “Ўзавиация” агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ – Civil aviation Agency under the Ministry of transport of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилгани – Civil Aviation Agency of Uzbekistan (CAA of Uzbekistan).

в) рус тилида:

тўлик — Агентство гражданской авиации при Министерстве транспорта Республики Узбекистан;

қисқартирилгани – Агентство «Узавиация».

8. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 73б-үй.

## **2-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари**

9. Куйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари хисобланади:

ҳаво ҳудудидан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан ҳавфсиз фойдаланишлари, парвозлар инсонлар соглиги ва ҳаётига, атроф-мухитга ҳамда давлат манфаатларига ҳавф солмаган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш, ўз ваколатлари доирасида ҳавода ҳаракатланишга хизмат кўрсатиш ташкил этилишини ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ва унинг объектларининг ҳавфсиз фаолият кўрсатишини, шунингдек, авиацияни ноқонуний аралашиш ҳаракатларидан ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш орқали ҳаво кемалари йўловчилари ҳамда экипаж аъзоларининг ҳаёти ва соглиги ҳавфсизлигини таъминлаш;

парвозлар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича фуқаро авиацияси фаолияти соҳасидаги сертификатлаш ишларини ташкил этиш ва таъминлаш;

фуқаро авиацияси ва экспериментал авиация фаолияти соҳасида давлат назоратини олиб бориши;

халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси манфаатларини ифода этиши.

10. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) ҳаво ҳудудидан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан ҳавфсиз фойдаланишлари, парвозлар инсонлар соглиги ва ҳаётига, атроф-мухитга ҳамда давлат манфаатларига ҳавф солмаган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш, ўз ваколатлари доирасида ҳавода ҳаракатланишга хизмат кўрсатиш ташкил этилишини ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланишини назорат қилиши соҳасида:*

фуқаро авиацияси ва экспериментал авиация фаолияти соҳасида Халқаро фуқаро

авиацияси тўғрисидаги конвенция (1944 йилги Чикаго конвенцияси) ва унинг иловалари талабларига асосан норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқади;

фуқаро ҳаво кемалари давлат реестрини, фуқаро авиациясининг экспериментал ҳаво кемалари ва учувчисиз учиш аппаратларининг ҳисобини юритади;

ҳаво кемаларидан техник ва учиш мақсадида фойдаланиш ҳужжатларини тасдиқлади;

фуқаро авиацияси объектларига берилган хорижий сертификатларни, хорижий давлатлар томонидан авиаация мутахассисларига берилган сертификатларни (гувоҳномаларни) эътироф этишни таъминлайди;

хорижий давлатларнинг эксплуатантлари томонидан Ўзбекистон Республикасига мунтазам қатновлар бажарилиши учун эксплуатация рухсатномаларини беради ва ҳаво транспорти орқали хавфли юклар, қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек, ҳарбий контингентлар транзитини амалга оширишда ваколатли органлар учун хулосалар тайёрлайди;

ҳаво кемалари эксплуатантларига парвозларни амалга оширишлари учун бир марталик рухсатномалар беради;

парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун рухсатномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурини такомиллаштиришни ва амалга оширишни қўйидаги ҳужжатларни бериш билан таъминлайди:

ҳаво кемалари эксплуатантининг сертификати;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатувчи ташкилотлар сертификати;

фуқаро авиацияси ва экспериментал авиаация аэродроми, биргаликда фойдаланиладиган (жойлашган) аэродромлар сертификати;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси кадрларини тайёрлаш ўқув марказининг сертификати;

фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома;

фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳнома;

фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификати;

фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари сертификати;

фуқаро ҳаво кемаларининг шовқин бўйича сертификати;

фуқаро авиациясининг тиббий-учиш эксперт комиссиясини тайинлаш тўғрисида гувоҳнома;

фуқаро авиациясининг учувчисиз учиш аппаратидан фойдаланишга рухсат тўғрисида хулоса;

касбий фаолиятини олиб боришлари учун авиаация ходимлари гувоҳномаси;

тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида хулоса беради;

ушбу кичик бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг амал қилишини белгиланган тартибида

тўхтатиб қўяди;

б) Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ва унинг объектларининг хавфсиз фаолият кўрсатишини, шунингдек, авиацияни ноқонуний аралашини ҳаракатларидан ҳимоя қилиши чораларини амалга ошириш орқали ҳаво кемалари йўловчилари ҳамда экипаж аъзоларининг ҳаёти ва соглиги хавфсизлигини таъминлаши соҳасида;

Ўзбекистон Республикасида фуқаро авиациясини ноқонуний араласиши ҳаракатларидан ҳимоя қилишни таъминлаш давлат дастурини амалга ошириш ва такомиллаштиришни таъминлайди;

в) парвозлар хавфсизлигини таъминлаши бўйича фуқаро авиацияси фаолияти соҳасидаги сертификатлаши ишларини ташкил этиши ва таъминлаши соҳасида:

Куйидагиларни амалга оширади:

ҳаво кемалари эксплуатантларини сертификатлайди;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлайди;

фуқаро авиаацияси ва экспериментал авиация фаолияти соҳасида давлат назоратини олиб боришида қуйидагиларга риоя этилишининг давлат назоратини ташкил этиши ва амалга оширишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаацияси кадрларини тайёрлаш ўқув марказларини сертификатлайди;

г) фуқаро авиаацияси ва экспериментал авиация фаолияти соҳасида давлат назоратини олиб боришида қуйидагиларга риоя этилишининг давлат назоратини ташкил этиши ва амалга оширишини таъминлайди:

фуқаро ҳаво кемалари ва учувчисиз учиш аппаратлари парвозларини ташкил этиши, таъминлаш ва бажариш қоидалари;

фуқаро ҳаво кемаларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш қоидалари;

фуқаро ҳаво кемаларини ишлаб чиқариш қоидалари (улардан фойдаланиш жараённида ушбу кемаларнинг парвозлари хавфсизлигига таъсир қилувчи ишлаб чиқариш камчиликлари аниқланган тақдирда);

фуқаро авиаацияси ва экспериментал авиация аэроромларини, биргаликда фойдаланилайдиган (жойлашган) аэроромлардан фуқаро ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича фойдаланиш қоидалари, шунингдек, ер устидаги асбоб-ускуналаридан фойдаланиш қоидалари;

фуқаро ҳаво кемаларининг парвозлари хавфсизлигини ва авиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасида авиация ходимларини тайёрлаш қоидалари (шу жумладан, ходимларни текшириш ва уларга ишлашига рухсат бериш);

фуқаро ҳаво кемаларининг учишга яроқлилик нормалари;

фуқаро авиаацияси ва экспериментал авиация аэроромларининг фойдаланишга яроқлилик нормалари;

фуқаро авиаацияси ва экспериментал авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш қоидалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳаво худудидан фойдаланиш ва ҳавода ҳаракатланишни ташкил

етиш ва хизмат кўрсатиш қоидалари;

Ўзбекистон Республикаси авиация алоқа тизимлари ва аэронавигация воситалари ишончли ишлашини таъминлаш қоидалари;

парвозларни метеорологик таъминлаш қоидалари;

ҳаво кемалари ва маҳсус транспорт воситаларининг аэрородром перронида ҳаракатланишини бошқариш ва ташкил этиш қоидалари;

аэрородром эксплуатанти томонидан ҳаво кемаларининг қуш ва ёввойи ҳайвонлар билан тўқнашиш ҳолатларининг олдини олиш тадбирларини бажариш;

парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш қоидалари;

парвозлар хавфсизлигига таҳдид солувчи объектларни белгилаш қоидалари;

ҳаво транспортида йўловчи, багаж, юк (хавфли юк) ва почта ташиш қоидалари;

фуқаро авиациясининг тегишли ташкилотларида парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимини жорий қилиш ва унинг фаолият кўрсатиши;

Ўзбекистон Республикасига фуқаро авиациясининг ноқонуний араласиши ҳаракатларидан авиация хавфсизлигини таъминлаш бўйича нормалари, қоидалари ва тартиби;

парвозларнинг қидирув, авария-кутқарув таъминоти қоидалари;

Ўзбекистон Республикасига парвозларни амалга оширувчи хорижий давлатлар эксплуатантларининг парвозларни амалга ошириш қоидалари;

д) ҳалқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси манфаатларини ифода этиши соҳасида:

парвозлар хавфсизлиги ва авиация хавфсизлиги соҳасида Ўзбекистон Республикаси имзолаган меморандумларни амалга ошириш, стандартлар ва тавсияларни жорий қилиш масалалари бўйича Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) билан ҳамкорликни амалга ошириш;

Агентлик ваколатларига киритилган масалалар бўйича бошқа давлатларнинг тегишли ташкилотлари билан алоқаларни белгиланган тартибда амалга ошириш, ўз ваколатига тегишли бўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари бажарилишини таъминлаш;

парвозлар хавфсизлиги ва авиация хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳалқаро ташкилотлар ишида, конференцияларда ва семинарларда иштирок этиш, норматив-хуқуқий базани, ҳаво кемаларидан учиш ва техник фойдаланиш, ҳаво навигациясини, ҳавода ҳаракатни ташкил қилиш, фуқаро авиацияси инспекторлари таркибини тайёрлашни такомиллаштириш.

### **3-боб. Агентликнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги**

11. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хуқуқларга эга:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши билан боғлиқ норматив-

хукукий хужжатларни, шунингдек, бошқа хужжатларни Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритиши;

Ўзбекистон Республикасининг авиаация маъмурияти ваколатлари доирасига кирадиган фуқаро ва экспериментал авиаация ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг авиаация қоидаларини тасдиқлаш;

Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

Агентлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича давлат статистика органларидан зарур статистика маълумотларини бепул олиш;

Агентлик ходимларини уларнинг тегишли соҳадаги фаолиятининг асосий кўрсаткичларини бажариши ҳисобга олинган ҳолда, моддий рафбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича Вазирликка, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун таклифлар киритиши;

Транспорт вазирлиги топшириғига асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда белгиланган тартибда иштирок этиш, Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Транспорт вазирлиги топшириғига асосан Агентлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро даражада белгиланган тартибда ифода этиш;

Транспорт вазирлигига фуқаро авиаацияси фаолияти соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этиш;

ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини ҳамда фуқаро авиаациясини ноқонуний аралashiш ҳаракатларидан ҳимоя қилишни таъминлайдиган белгиланган қоидалар ва нормаларга ҳаво кемалари эксплуатантлари ва авиаация ташкилотлари томонидан риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда текшириш;

ички ва халқаро ҳаво йўлларида қатновларни амалга оширишда Агентлик инспекторларини белгиланган тартибда ҳаво кемалари экипажлари таркибига текширувчилар сифатида киритиши, шунингдек, айлана училар, ҳаво кемаларини бир жойдан бошқа жойга учирив ўтишда ва авиаация ишларининг бошқа турларида Ўзбекистон Республикаси эксплуатантининг ҳаво кемалари экипажлари таркибида парвозларни амалга ошириш;

авиация хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига риоя қилиб, Агентлик инспектори хизмат гувохномасини кўрсатган ҳолда ҳаво кемаларига, фуқаро авиаацияси ташкилотларининг бинолари ва иншоатларига тўсиқсиз кириш ҳамда хизмат хужжатларини текшириш;

зарур бўлган ҳолларда, юридик ва жисмоний шахсларга текширишлар ўтказиши жараёнида аниқланган камчиликларни сўзсиз бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар бериш;

ҳаво кемасининг яроқлилигини ва давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи мажбурий кема ҳужжатларига ва унга қўйилган талаблар бузилган ҳолларда ҳаво кемасининг парвозини тўхтатиб туриш;

агар парвозлар хавфсизлигига таҳдид қилинадиган бўлса, аэродромлар ёки учиш майдони участкаларидан, аэродром ускуналаридан фойдаланишга чекловлар жорий этиш;

ҳаво транспорти органлари номидан маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурӣ жазоларни қўллашга;

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга ҳам бўлиши мумкин.

#### 12. Агентлик:

Агентликка юклangan вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсатгичларга эришилишини сўзсиз таъминлаш;

Транспорт вазирлигига киритиладиган, шунингдек, Агентлик томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, якуний натижалари ва амалга оширилиши, оқибатлари;

фуқаро авиаацияси соҳасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда муҳофаза қилинишини таъминлаш учун жавобгардир.

### **4-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

13. Агентликка Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири тақдимномасига кўра, Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қиласи.

14. Агентлик директорининг ўринбосари Агентлик директорининг тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Агентлик директори мақоми, моддий таъминот, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига tenglashshiriladi.

16. Агентлик директори бўлмаган вақтда унинг ваколатлари ўринбосари томонидан амалга оширилади.

17. Агентлик директори низомларни ҳамда зарур ҳолларда транспорт вазири билан келишган ҳолда бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида Агентлик аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади.

18. Агентлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи.

### **5-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

19. Қуидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий хужжатларнинг талабларига риоя қилиш;

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли хужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг ва Транспорт вазирлигининг қарорлари ва бошқа қонунчилик хужжатлари билан Агентликка юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ва Транспорт вазирлигининг қарорлари билан тасдиқланган комплекс дастур ва чора-тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

Агентлик фаолияти билан боғлик прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилиши бўйича амалий чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Транспорт вазирлиги топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамасининг котибиятлари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Агентлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, масалаларнинг Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчиларининг, Транспорт вазирлиги раҳбарларининг топшириқларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этиш;

ўз ўринbosарининг ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, Агентлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш борасида ўринbosари ва бошқа мансабдор шахсларининг шахсий жавобгарлик даражасини белгилаш;

Агентлик фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Агентлик ва ўз ўринbosарининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Агентлик ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

Агентлик ходимларини лавозимга тайинлаш очик мустақил танлов орқали саралаб олинишини таъминлаш ва лавозимдан озод қилиш;

Агентликда кадрларни тайинлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Агентликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

фаолият соҳаси бўйича норматив-хуқуқий хужжатларнинг сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги, “Қонун лойихаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти деб аталади) ҳамда Вазирлар

Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти деб аталади) талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида Транспорт вазирлигига киритилишини ташкил этиш, уларни Транспорт вазирлиги аппаратида ишлаб чиқилишида, Транспорт вазирлиги раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилинишида, Вазирлар Маҳкамасида ишлаб чиқилиши ва кўриб чиқилишида иштирок этиш;

“Норматив-хукуқий хужжатлар тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ Агентликнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини ташкил қилиш;

Агентликка тақдим этилган таклифларнинг ва норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларнинг молиявий, иқтисодий, хукуқий ва бошқа хил экспертиздан пухта ўтказилишини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Регламентида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламентида белгиланган муддатларда келишилишини (визаланишини) таъминлаш;

Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларни хорижий мамлакатларга чиқиши тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикаси сафарини ташкиллаштириш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларининг талабларига тўлиқ мувофиқ равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

ўз ўринбосари ва таркибий тузилмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигининг танқидий таҳлилини мунтазам ўтказиш, Агентлик мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшитиш, муҳокама якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини, шу жумладан келгусида унинг эгаллаб турган лавозимида қолиш-қолмаслигининг мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, унинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) талабларига Агентлик ходимларининг риоя этишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентликда коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, хукуқни кўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг содир бўлишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

Агентлик ишини ташкил қилишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш; аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда, шу жумладан, “ягона дарча” тамойилини жорий қилиш ҳамда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва очиқлигини ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан очиқ ва бевосита мулоқотни йўлга қўйиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатлар

ва тартибда мунтазам равиша шахсий қабулларни, шу жумладан жойларга борган ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабулини мунтазам ўtkазиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг улар фаолиятида фаол иштирокини йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сири тоифасига киритилган ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;

Агентликнинг молия-хўжалик фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш;

Агентлик аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Агентликнинг штат жадваллари ҳамда харажатлар сметасини тасдиқлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан келишиш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига рўйхатдан ўtkазиш;

Транспорт вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган умумий штатлар сони доирасида Агентлик тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

Транспорт вазирлиги топшириғига асосан давлат органларида ва бошқа ташкилотларда, шунингдек, давлат органлари, халкаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўtkaziladiqan расмий тадбирларда Агентлик номидан вакиллик қилиш;

Транспорт вазирлиги топшириғига асосан фуқаро авиаацияси ва экспериментал авиация фаолияти соҳасида музокаралар олиб бориш, икки томонлама ва кўп томонлама битимларни имзолаш;

конун хужжатларига мувофик бошқа ваколатларни амалга ошириш.

20. Қуидагилар Агентлик директори ўринbosарининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий хужжатларнинг талабларига риоя қилиш;

Агентлик директори вақтинчалик бўлмагандан тегишли буйруқ асосида унинг

вазифаларини бажариш;

Агентликнинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат ва бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Агентлик фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишлари бўйича Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Транспорт вазирлиги қарорлари билан тасдиқланган комплекс дастур ва комплекс чора-тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилиши бўйича амалий чоралар кўриш, бўлинма раҳбарларининг хисоботларини мунтазам тинглаб бориш ва белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

мутасаддилик қиладиган таркибий тузилмалар раҳбарларининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Агентлик қарорларининг, Агентлик директори буйруқлари ва топширикларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш бўйича Агентлик директорига таклифлар тақдим этиш, шунингдек, уларнинг профессионализми, салоҳияти, амалий тажрибаси, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий сифатларининг юксак даражаси кафолатланганлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш, мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар томонидан норматив-хукукий хужжатларнинг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентликнинг таркибий тузилмаларида тайёрланган хужжат лойиҳаларини кейинчалик Агентлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза кўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза кўйиш, Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламентига қатъий мувофиқ ҳолда Транспорт вазирлигига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Агентлик директорининг топшириғига биноан норматив-хукукий хужжатларни Транспорт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасида ишлаб чиқилишида иштирок этиш;

Агентликка киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-хукукий хужжатларнинг лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларни хорижий мамлакатларга чиқиши тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига сафарини ташкиллаштириш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларининг талабларига тўлиқ мувофиқ равишда амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Агентлик мажлисларида уларнинг шахсий хисоботларини эшлиши, муҳокама якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

фаолият соҳасига тааллукли масалалар бўйича Агентлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий чоралар кўриш, ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик директорига киритиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимларида келгусида қолиши-қолмаслигининг мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш бўйича таклифларни Агентлик директорига киритиш, функционал мажбуриятларини ва юкланган вазифаларни бажариши юзасидан уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш;

Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиши, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва ходимлари томонидан кўрсатилган қоидалар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентликда коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар кўриш, шунингдек, хуқуқни кўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг содир этишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва очиқлигини ошириш бўйича Агентлик директорига таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан очиқ ва бевосита мулоқотни йўлга қувиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатда

ва тартибда шахсий қабулларни, жумладан жойларга борган ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларининг қабулини мунтазам ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сири тоифасига киритилган ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш.

21. Кўйидагилар Агентлик таркибий тузилмалари раҳбарларининг функционал вазифалари хисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, шунингдек, бошқа норматив-хуқукий хужжатларнинг талабларига риоя қилиш;

таркибий тузилмаларнинг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкиллаштириш;

прогноз кўрсаткичлари бажарилишини тизимли таҳлил қилиш ҳамда Агентлик директорининг ўринбосарига таркибий тузилмалар томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришилишига қаратилган кўшимча чораларни қабул қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

Агентлик қарорлари, Агентлик директори ва унинг ўринбосарининг буйруқлари ва

топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг иш режалари ишлаб чиқилишини, тасдиқлаш учун киритилишини таъминлаш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиши;

таркибий тузилмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Агентлик директорининг ўринbosарига кўриб чиқиш учун таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионализми, салоҳияти, амалий тажрибаси, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий сифатларининг юксак даражаси кафолатланганлигини таъминлаш, профессионал малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш, таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий тузилмалар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентликнинг таркибий тузилмаларида тайёрланган ҳужжат лойиҳаларини кейинчалик Агентлик директори томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (визаланиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламентига қатъий мувофиқ ҳолда Транспорт вазирлигига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Агентлик раҳбариятининг топшириғига биноан норматив-хуқуқий ҳужжатларни Транспорт вазирлигига кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Агентликка киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларни хорижий мамлакатларга чиқиши тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига сафарини ташкиллаштириш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларининг талабларига тўлиқ мувофиқ равишда амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиласиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий тахлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, муҳокама яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиши, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг ходимлари томонидан кўрсатилган қоидалар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, ҳукуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг содир бўлишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва очиқлигини ошириш бўйича Агентлик директорига таклифлар киритиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан очиқ ва

бевосита мулоқотни йўлга қуиши, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатда ва тартибда шахсий қабулларни, жумладан, жойларга борган ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларининг қабулини мунтазам ўтказиши;

Агентлик раҳбарларининг топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сири тоифасига киритилган ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиши.

## **6-боб. Агентлик раҳбаријатининг жавобгарлиги**

22. Агентлик директори:

Агентликка юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган Агентликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг 19-бандида кўрсатилган, ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

23. Агентлик директорининг ўринбосари:

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда Агентликка юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

мутасаддилик қилинадиган масалалар бўйича мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган Агентликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

24. Агентликнинг таркибий тузилмаларининг раҳбарлари:

тегишли таркибий бўлинмаларга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

## **7-боб. Агентлик фаолиятиниң самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлари**

25. Агентлик фаолияти самарадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

26. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги Ўзбекистон Республикасининг транспорт вазири тасдиқлайдиган Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлари асосида баҳоланади.

27. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунларига кўра куйидаги чоралар кўрилади:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки уларга нисбатан интизомий жавобгарликнинг тегишли чораларини кўриш;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш;

28. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

**8-боб. Агентликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш**

29. Агентликнинг моддий-техник таъминоти, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тўловлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

30. Агентлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофот, қўшимча тўлов, устама ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.

**9-боб. Якунловчи қоида**

31. Агентлик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тутатилиди.

Вазирлар Маҳкамасининг

20\_\_ йил \_\_\_\_даги \_\_\_\_ -сон қарорига

3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги  
Фуқаро авиацияси агентлигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида**  
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва қуйидаги мақсадларда ташкил этилган:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий муҳофаза қилиш, ўқитиш ва малакасини оширишни;

Агентлик вазифаларининг самарали бажаришларини таъминлашни;

Агентликни моддий-техник таъминлаш, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни молиялаштириш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш**

3. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатишдан, тушадиган йиғим маблағларининг 100 фоизи;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун Агентлик ходимлари томонидан солинадиган жарималар миқдорининг 80 фоизи;

“Ўзаэронавигация” ДУК асосий фаолиятдан олинган даромадининг 3 фоизи;

авиация хавфсизлиги учун ундириладиган йиғимлар миқдорининг 3 фоизи;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва кредитлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Жамғарма маблағларининг тушиши ва сарфланиши миллий валютада ҳисобга олинади.

### **3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш**

5. Жамғарма маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) Агентликни моддий-техник таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари билан қопланмаган бошқа харажатлар учун;

б) Агентлик ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рафбатлантириш, мукофотлаш, моддий ёрдам қўрсатиш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқитиш ва малакасини ошириш, шу жумладан:

Агентлик ходимларига вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш;

Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемаларида имтиёзли (максус) тарзда юриш харажатларни қоплаш учун;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиха институтлари, илмий ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини ва бошқа жисмоний шахсларни жалб қилиш харажатлари учун;

в) Агентлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш, шу жумладан:

вакиллик харажатларини, шунингдек, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар, тренинглар ва давра суҳбатларини ўтказиш харажатларини қоплаш, сувенирлар, махсулотлар, буклетлар ва ахборот-маърифий материалларни харид қилиш;

хорижий мамлакатларда ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш учун;

г) қонунчиликда тақиқланмаган Агентлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган бошқа тадбирлар учун.

6. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари олиб қўйилмайди ва кейинги йилга ўтказилади

7. Жамғарма маблағларидан ҳар йили Агентлик директори томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида фойдаланилади. Агентлик даромадлари ва харажатлари сметаси Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказилади.

8. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаси келгуси йил учун маблағлар тушишининг кутилаётган прогнози ва тадбирлар ўтказиш заруратидан келиб чиқсан ҳолда тузилади.

9. Агентликнинг ташаббуси билан зарур ҳолларда, Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказилгандан кейин Жамғармага тушадиган маблағлар миқдоридан келиб чиқсан ҳолда, белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

### **4-боб. Ҳисобот, назорат ва жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун**

## **масъулият**

10. Жамғарма маблағларидан оқилона ва қатъий мақсадли фойдаланиш юзасидан назорат қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

11. Агентлик директори Жамғарма маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланилиши учун жавоб беради.

### **5-бөб. Яқунловчи қоида**

12. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг

20\_\_ йил \_\_\_\_даги \_\_\_\_-сон қарорига

4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги  
Фуқаро авиацияси агентлиги ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш  
ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Фаолияти парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг лавозим маошлари такомиллаштирилган тариф сеткаси бўйича тариф коэффициентини қўллаган ҳолда уч баробар миқдорда белгиланади: битта лавозим маоши — бюджет маблағлари хисобидан, иккита лавозим маоши — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади).

Кўшимча ҳақ ва устамалар лавозим маошларининг умумий йиғиндисидан белгиланади.

**2-боб. Агентлик ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш чораларини қўллаш**

3. Агентлик ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш, шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш қўйидагилар хисобидан амалга оширилади:

а) бюджет ажратмалари хисобидан:

Агентлик ходимларининг лавозим маошлари;

қонунчиликда белгилangan тартибда ва миқдорда давлат хизматчиларининг лавозим маошига меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти;

йилига меҳнатга ҳақ тўлашнинг икки ойлик фонди миқдоридаги мукофотлар;

бир йилда бир маротаба бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам тўловлари;

Агентлик ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш маҳсус фонди маблағлари хисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фонди маблағларининг 15 фоизи миқдорида моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш;

фаҳрий унвонлар учун қўшимча ҳақлар;

6) Жамгарма маблағлари ҳисобидан:

фаолияти парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг иккита лавозим маошлари;

вақтинга меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш;

Агентлик ходимларининг ушбу Низом 3-бобида кўрсатилган ҳар ойлик устамалари, моддий ёрдам ва мукофотлари;

қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа қўшимча ҳақ ва устамалар.

**3-боб. Жамгарма маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимларини рағбатлантириши  
миқдорлари ва чораларини қўллаш шартлари**

4. Амалдаги (учувчи, штурман) гувоҳномаларга эга бўлган раҳбар ва инспекторлар таркибига лавозим маошига ҳар ой қуидаги миқдорларда устамалар белгиланади:

Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (кейинги ўринларда ИКАО деб аталади) тилни билишни баҳолаш шкаласи бўйича инглиз тилини

4-даражадан паст бўлмаган даражада билиш ва амалий фаолиятда қўллаши учун – 15 фоиз;

2 – даражали малака учун – 30 фоизгача;

1 – даражали малака учун – 50 фоизгача;

фуқаро авиациясининг амалдаги (учувчи, штурман) гувоҳномаси учун 50 фоизгача;

1 соат парвоз вақти учун – Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг иккি бараваригача миқдорида. Бир ойда 20 соатдан ошган ҳақиқий парвоз вақти учун ҳақ тўланмайди.

5. Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш бўйича амалдаги диспетчер гувоҳномасига эга бўлган раҳбар ва инспекторлар таркибига лавозим маошига ҳар ой қуидаги миқдорларда устамалар белгиланади:

ИКАОнинг тилни билишни баҳолаш шкаласи бўйича инглиз тилини 4-даражадан паст бўлмаган даражада билиш ва амалий фаолиятда қўллаш учун – 15 фоиз;

2 – даражали малака учун – 30 фоизгача;

1 – даражали малака учун – 50 фоизгача;

ҳаводаги ҳаракатни бевосита бошқариш билан боғлиқ бўлган иш ўринларида мустақил ишлашга рухсатнома учун – 30 фоизгача;

ҳаводаги ҳаракатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимида мустақил ишлашга рухсатнома учун – 30 фоизгача;

ҳаводаги ҳаракатни бошқариш бўйича амалдаги диспетчер гувоҳномаси учун – 50 фоизгача;

ҳаводаги ҳаракатни бошқаришнинг ташкил этиш ва ҳаво худудидан фойдаланишни

текшириш ҳамда назорат қилиш учун – 50 фоизгача.

6. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича амалдаги муҳандис гувоҳномасига эга бўлган раҳбар ва инспекторлар таркибига лавозим маошига ҳар ой қуидаги миқдорларда устамалар белгиланади:

ходимга ҳар бир ҳаво кемаси тури учун берилган тоифалар тури ва сонига қараб 26 фоиздан 170 фоизгача;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш рухсатномаси учун  
– 60 фоизгача;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича амалдаги муҳандис гувоҳномаси учун – 16 фоизгача.

7. Агентлик директори ва унинг ўринбосарига алоҳида муҳим парвозларни ташкил этишда иштироки учун ҳар ойлик лавозим маошига 30 фоиздан 40 фоизгача миқдорда устамалар белгиланади.

8. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун ҳар ойлик лавозим маошига устамалар қуидаги миқдорларда тўланади: 3 йилдан 5 йилгача – 15 фоиз, 5 йилдан 10 йилгача – 20 фоиз, 10 йилдан 15 йилгача – 30 фоиз, 15 йилдан 20 йилгача – 40 фоиз, 20 йил ва ундан ортиғига – 50 фоиз.

9. Байрам кунлари муносабати билан бериладиган мукофотлар – бир лавозим маошигача бўлган миқдорда (мехнатни рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) ҳақиқатда ишланган вақтдан қатъи назар тўланади.

Ташаббускорлик ва хизмат мажбуриятларини вижданан бажарганликлари учун Агентлик ходимлари бир йилда бир маротаба икки ойлик иш ҳақи миқдоригача уларнинг фаолиятини алоҳида баҳолаш асосида мукофотланиши мумкин.

Ўриндошлиқ асосида ишларни бажарганлик учун рағбатлантириш Агентлик ходимларига белгиланган тартибида амалга оширилади.

10. Агентлик ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан икки юз фоизгача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгиланади, мазкур Низомнинг иккинчи бандида кўрсатилган раҳбар ва ходимлар бундан мустасно. Устаманинг аниқ миқдори Агентлик директори томонидан ходимлар фаолиятини алоҳида баҳолаш асосида белгиланади.

11. Зарур ҳолларда (даволаниш, тўй маросими, яқин қариндошларининг дафн маросими, баҳтсиз ҳодиса билан боғлиқ ҳолларда), Агентлик ходимларига касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг тўрт бараваригача миқдорда моддий ёрдам тўланади.

12. Агентлик ходимларига, меҳнат таътилига чиқиш санаси кунига бир календар йилда бир марта лавозим маоши миқдорида моддий ёрдам тўлови амалга оширилади.

13. Агентлик ходимларига бир йилда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемаларида имтиёзли (махсус) тарзда юришга рухсат берилади.

14. Агентлик ходимларига, фойдаланилмаган меҳнат таътили вақти учун қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибида компенсация тақдим этилиши мумкин.

15. Ушбу Низомда назарда тутилган тўловларнинг барча турлари Жамғармада маблағлар мавжуд бўлганда, Агентлик директорининг буйруғига асосан амалга оширилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоида**

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар конунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг

20\_\_ йил \_\_\_\_даги \_\_\_\_ -сон қарорига

5-илова

**Фаолияти парвозлар хавфсизлиги таъминланишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган  
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги  
рахбарлари ва ходимларининг меҳнатига такомиллаштирилган тариф сеткаси бўйича ҳақ  
тўлаш**

### РАЗРЯДЛАРИ

Лавозимларнинг номланиши	Разрядлар
Агентлик директори	17
Агентлик директорининг ўринбосари	16
Бошқарма бошлиғи*	15
Бўлим бошлиғи*	13
Бош мутахассис — инспектор	11
Етакчи мутахассис — инспектор	10
I тоифали мутахассис-инспектор	9
II тоифали мутахассис-инспектор	8

\* Бошқарма ва бўлим бошлиғи ўринбосарига ЯТС бўйича разрядлар Агентликнинг бошқарма ва бўлим бошлиғи разрядларидан тегишли равишда 5 фоизга кам ставкада белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг

20\_\_ йил \_\_\_\_даги \_\_\_\_ -сон қарорига

6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган  
қарорлари**

**РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси агентлиги, темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон қарорининг 1-банди иккинчи ва еттинчи хатбошилари ҳамда 1 ва 4-иловалари.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси агентлиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 825-сон қарори.